

# Байрамингиз муборак, азиз опа-сингиллар!

HAQSEVAR ONA YURT, MANGU BO`L OBOD!

# TOSHKENT HAQIQATI

VILOYAT IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETASI

2022-yil 8-mart
SESHANBA
№ 17 (13474)

@haqiqatonline

1928 yil 11 dekabrda asos solingan

# АЁЛ ҚАДРИ УЛУҒЛАНГАН ЮРТДА ТИНЧЛИК ВА ФАРОВОНЛИК БАРҚАРОР БЎЛАДИ

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

Ассалому алайкум, азиз ва мўътабар онахонлар!

Мунис опа-сингиллар!

Дилбар қизларим!

Шукуҳи ва қувончи тамоман ўзгача бўлган бугунги тантанамизда иштирок этаётган сиз, нафосат олами вакиллари-ни, бутун мамлакатимиз аёлларини Халқаро хотин-қизлар куни билан самимий табриклайман. Барчангизга чуқур ҳурмат-эҳтиромимни ва энг эзгу тилакларимни билдираман.

Аввало, оилангиз ва яқинларингиз бахтига, қолаверса, аёл қадрини эъзозлаб яшайдиган эл-юртимиз бахтига соғомон бўлишингизни, доимо мана шундай гўзал баҳорий кайфиятда юришингизни тилайман.

Муҳтарам юртдошлар!

Халқимиз азал-азалдан Она сиймосини, Аёл зотини Яратганнинг улуғ неъмати, тенгсиз мўъжизаси, деб билади, уни ҳамиша ардоқлаб-асраб яшайди. Юртимиз заминидаги “Бибихоним”, “Қизбиби”, “Модарихон”, “Қирққиз” мажмуаси каби табаррук меъморий обидалар ҳам ана шундай азалий юксак эътибордан далолат беради.

Айни пайтда биз инсоният тараққиётига унутилмас ва беқиёс ҳисса қўшган буюк аждодларимизни дунёга келтириб, меҳр билан тарбиялаган, уларни улуғвор ишларга руҳлантириб, камарбаста бўлган фозила аёлларимиз билан албатта фахрланамиз.

Маълумки, ҳар қандай жамият ва давлатнинг қай даражада халқпарвар ҳамда адолатли экани унинг хотин-қизларга бўлган муносабати ва ғамхўрлиги билан белгиланади.

Халқимизни рози қилишдек олий мақсадга эришиш учун хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг муҳим йўналишларидан бирига айланди.

Шу ўринда эътиборингизни айрим мисолларга қаратмоқчиман.

**“Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмайди”** деган эзгу тамойил асосида, 2021 йилда 900 мингга яқин хотин-қизларга ижтимоий-иқтисодий, тиббий, ҳуқуқий ва психологик ёрдамлар кўрсатилди. Бу мақсадлар учун бюджетдан 2 триллион сўм маблағ йўналтирилди. Хусусан, 18 мингта аёлларга уй-жой харид қилиш учун 400 миллиард сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. Боқувчисини йўқотган аёлларнинг фарзандлари учун боғча харажатларини бюджетдан қоплаш тартиби жорий этилди.

Яна бир муҳим рақамга эътибор беринг. Фақатгина 2021 йилнинг ўзида хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2 триллион сўмдан зиёд кредит ва субсидиялар ажратилди. Натижада 320 мингдан ортиқ опа-сингилларимиз доимий иш ва даромадга эга бўлдилар.

Мамлакатимизда жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланган маҳалла ва оила институтларини мустаҳкамлаш бўйича ҳам эътиборга молик ишлар олиб борилмоқда.

Шунингдек, 2021 йилда эҳтиёжманд оилаларга мансуб 2 мингдан зиёд қизлар олийгоҳларга давлат гранти асосида қабул қилинди, яна шунча талаба қизларга контракт пуллари тўлаб берилди.

Аёллар таълимига алоҳида эътибор бераётганимиз туфайли ўтган йили олий ўқув юртларига қабул қилинган талабаларнинг 60 фоизини хотин-қизлар ташкил этди.

Агар бундан олти йил аввал олийгоҳларда 110 минг нафар қизларимиз таҳсил олишган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 400 минг нафарга етди ёки уларнинг улуши 2016 йилдаги 38 фоиздан айни пайтга келиб қарийб 50 фоизга етди.

Бу натижалар ҳам ушбу йўналишдаги ислоҳотларимизнинг амалий ифодаси, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам фикримга қўшиласизлар.

Ҳар қандай халқнинг етуклик даражасини, аввало, аёлларнинг илмий-маданий камолоти белгилаб бериши, оқила ва ўқимишли оналар миллатнинг буюк келажагини яратишлари ҳаммамизга яхши аён. Шу боис донишмандлар:

**“Битта қиз болани ўқитсангиз – бутун оилани ўқитган бўласиз”**, деб бежиз таъкидламаганлар.

Қизларимизнинг замонавий билимлар ва касб-ҳунар эгаси бўлиб, жамиятда ҳамда ўз оиласида муносиб ўрин топиши учун бошлаган ишларимизни бундан кейин ҳам изчил давом эттирамиз. Бу борада, аввало, 2022-2026 йилларга мўлжалланган **Хотин-қизлар таълимини қўллаб-қувватлаш миллий дастури**ни қабул қиламиз. Ушбу ҳужжат доирасида пойтахтда хотин-қизлар учун алоҳида университет ва жойларда унинг техникумларини ташкил этамиз. Барча талаба қизларга таълим контрактларини тўлаш учун 7 йил муддатга фоизсиз кредит бериш тартиби жорий қилинади.

Ушбу ишларимизнинг мантиқий давоми сифатида илмий изланиш ва кашфиётлари билан юртимиз равнақига катта ҳисса қўшиб келаётган олима аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ишларини янги босқичга кўтарамиз.

Маълумки, бугунги кунда опа-сингилларимиз орасида ўнлаб академик ва профессорлар, фан докторлари ва фан номзодлари, юзлаб истеъдодли тадқиқотчилар бор. Илм-фан билан шуғулланиш, илмий янгилик яратиш – бу игна билан қудуқ қазишга баробар.

Мен ўзим шу соҳадан чиққаним учун бу ишнинг нақадар қийин ва мураккаб эканини яхши биламан. Шунинг учун ҳам оила ташвишлари ва фарзанд тарбиясини илмий-тадқиқот билан бирга олиб бораётган, бу борада амалий ютуқ ва натижаларга эришаётган олима аёлларни шахсан мен чинакам матонат ва жасорат соҳибалари деб биламан ва юксак қадрлайман.

Зукко ва билимдон хотин-қизларнинг илм-фанга бўлган қизиқиш ва иштиёқини ошириш мақсадида биз бир қанча муҳим чора-тадбирлар белгиладик. Жумладан, келгуси ўқув йилидан бошлаб магистратурада ўқиётган барча қизларнинг контракт пулларини тўлиқ бюджетдан қоплаб бериш учун ҳар йили 200 миллиард сўм маблағ йўналтирилади; докторантура йўналишида хотин-қизлар учун ҳар йили камида 300 тадан мақсадли квота ажратилади.

Бу ишларни тизимли равишда ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш мақсадида Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ҳузурида “Олима аёллар жамияти” тузилади. Ушбу жамият мамлакатимизда ва хорижда илм-фан соҳасида юксак ютуқларга эришаётган олима аёлларимизни жипслаштириб, уларнинг ақл-заковат нурини ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасига кириб бориши учун ўзига хос парвоз майдонига айланади.

Заҳматкаш олималарнинг машаққатли ва шарафли меҳнатини муносиб рағбатлантириш, улар учун ҳар жиҳатдан қулай шароит яратиш мақсадида “Олима аёллар жамияти”га ҳар йили 50 миллиард сўм маблағ ажратилади.

Умуман олганда, юқорида айтилган барча мақсадларга жорий ва келгуси йил учун 1,8 триллион сўм йўналтирилади.

Ҳурматли йиғилиш қатнашчилари!

Хабарингиз бор, яқинда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича ўтказилган йиғилишда ҳам бу борада олдимизда турган энг муҳим масалаларни атрофлича муҳокама қилиб олдик. Шу асосда муҳим фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Ушбу вазифаларни тизимли ва самарали амалга оширишни таъминлаш мақсадида Бош вазир ўринбосари лавозими қайта тикланди ҳамда Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ташкил этилди.

Республикадаги 9,5 мингга яқин маҳалла раисининг хотин-қизлар ва оила бўйича ўринбосарлари ҳам қўмита тизимига ўтказилди. Ҳар бир маҳаллада хотин-қизлар фаоли лавозими янгидан жорий қилинди.

Шу тариқа опа-сингилларимизнинг муаммолари, дарду ташвишлари билан доимий шуғулланадиган адолатли ва самарали тизим яратилди.

Энди мамлакатимизда аёлларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича ёндашувлар ҳам тубдан қайта кўриб чиқилади. Жумладан, эҳтиёжманд аёлларга зарур шароитлар яратиш, хотин-қизлар саломатлигини тиклаш ва муҳофаза қилиш, айниқса, қишлоқ жойларда яшайдиган аёлларнинг касб-ҳунар эгаллашига кўмаклашиш, бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка жалб қилиш бўйича муҳим тадбирлар амалга оширилади.

Мамлакатимизда тадбиркорлик соҳасида ишлаётган хотин-қизлар сонини янада кўпайтириш мақсадида “Бизнесчи аёллар” дастури қабул қилиниб, унинг доирасида 8 триллион сўм маблағ йўналтирилади. Шунингдек, жорий йилда ипотека кредитлари бўйича бериладиган субсидияларнинг 40 фоизи хотин-қизлар учун ажратилади. Бу муҳтож аёлларни 12 мингта қулай уй-жой билан таъминлаш имкониятини беради.

Тарихимизда илгари бўлмаган бундай кенг кўламли ишлар ижроси учун 15 триллион сўм маблағ йўналтирилмоқда.

Барча ҳудудларимизда жамоатчиликка, аввало, ёшларга тарбиявий таъсир кўрсата оладиган, обрў-эътиборли аёлларни ўз сафида бирлаштирган “Оқила аёллар” ҳаракатини сизлар билан бирга ташкил этсак, бу эзгу ҳаракат том маънода жамиятимиз овозига, маҳалла виждонига айланади, деб ўйлайман.

Шунингдек, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча меҳнат жамоаларида хотин-қизларнинг муаммоларига самарали ечим топиш учун “Аёллар кенгашлари” тузилмоқда.

Бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман: хотин-қизлар ва оила масаласи – бу нафақат бугунги кунимиз, балки эртанги келажагимизни ҳам белгилаб берадиган ҳал қилувчи омилдир.

**Агар биз меҳр-оқибат ва садоқат тимсоли, хонадонларимиз фариштаси бўлган аёлларга битта яхшилик қилсак, ҳеч шубҳасиз, бу ўнта яхшилик бўлиб қайтади. Дуогўй момоларимиз, муштипар оналаримиз ва азиз опа-сингилларимиз бу эҳтиром ва эътиборнинг албатта қадрига етадилар. Аёл қадри, инсон қадри улуғланган юртда эса, тинчлик ва фаровонлик, аҳиллик ва барака албатта барқарор бўлади.**

Ҳурматли байрам тадбири қатнашчилари!

Ҳозирги кунда хотин-қизлар мамлакатимиздаги демократик жараёнларнинг, халқчил ислоҳотларнинг фаол ва ташаббускор иштирокчисига айланиб бораётгани барчамизни қувонтиради.

Биз республикамиз бошқарув тизимида, парламент ва маҳаллий кенгашларда, турли соҳаларда билимдон ва фидойи опа-сингилларимизнинг улушини кўпайтиришга алоҳида аҳамият қаратамиз. Уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини янада кучайтириш бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлади.

Фурсатдан фойдаланиб, она Ватанимиз равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилаётган сизлар каби минг-минглаб жонкуяр аёллар, фаол қизларимизга ўз номимдан, бутун халқимиз номидан чуқур миннатдорлик изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Шу билан бирга, бугунги файзли даврамизда иштирок этаётган дипломат хонимларни – хорижий давлатларнинг ҳурматли элчилари ва халқаро ташкилотлар вакилларини ҳам чин дилдан самимий қутлайман. Сизларга ўзаро манфаатли ва кўпқиррали муносабатларимиз ривожига қўшаётган муносиб ҳиссангиз учун алоҳида ташаккур изҳор этаман.

Айниқса, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг Марказий Осиё масалалари бўйича махсус вакили Наталия Герман хоним олияларини бугунги байрамда иштирок этаётганликлари учун алоҳида миннатдорлик билдирамиз. Бугунги байрам билан ушбу меҳмонимизни ҳам самимий табриклаб, минтақамизда яқин қўшничилик ва кўпқиррали ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш борасидаги масъулиятли ишларида улкан муваффақиятлар тилаймиз.

Азиз опа-сингиллар!

Биз жонажон Ватанимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини бунёд этишни ўз олдимизга буюк мақсад қилиб қўйганмиз. Бу эзгу ва шарафли йўлда энг аввало, оиланинг муқаддас қадриятларига ва чин мураббий бўлган оналаримизнинг теран маънавиятига таянамиз.

Шу боис мен сизларга мурожаат этиб айтмоқчиман.

Биз мамлакатимизни ҳар томонлама юксалтириш учун янги тарихий даврга қадам қўйдик.

**Фарзандларимиз қалбига улуғ мақсадлар, олижаноб ғояларни сингдириш – барча Ўзбекистон оналарининг шарафли бурчидир.**

**Юксак фазилатли, мард ва жасур, ватанпарвар ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиш албатта сизларга боғлиқ. Бу – ёруғ келажакка йўналтирилган энг катта инвестиция ва битмас-туганмас бойликдир.**

Шу ўринда шижоатли ва дилбар қизларимга ҳам кўнглимдаги бир фикрни айтмоқчиман.

Бугун биз эркин ва очиқ жамиятда яшамоқдамиз. Бу имкониятдан тўғри фойдаланиб, давр билан ҳамқадам бўлишимиз, замонавий илм ва касб-ҳунарларни эгаллаб, илғор тараққиёт ютуқларини ўзлаштиришимиз, айни вақтда миллий ўзлигимизга содиқ қолишимиз керак. Сизлар эл-юртимизнинг ана шундай юксак умиди ва ишончига муносиб бўласизлар, деб ишонаман.

Қадрли ватандошлар!

Маълумки, турли соҳаларда ўз иқтидорини намоён этиб келаётган истеъдодли қизларимизни ҳар йили мана шу қутлуғ байрам арафасида Зулфия номидаги давлат мукофоти билан тақдирлаш яхши анъанамизга айланган.

Бугун Зулфияхонимга муносиб издош сифатида эътироф этилиб, совриндорлар сафида турган яна 28 нафар зукко фарзандларимни кўриб, қалбим чексиз фахр ва қувончга тўлмоқда. Сизлар каби юксак марраларга интилувчан қизларимни чин юракдан табриклаб, намунали фаолиятингиз ва етакчилик фазилатларингиз билан тенгдошларингизга ўрнак бўласизлар, деб ишонаман.

Шунингдек, ушбу файзли лаҳзаларда кўп йиллар давомида давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этиб, фидойи меҳнати билан ўз соҳасида катта ютуқ ва натижаларга эришаётган бир гуруҳ аёлларимизни юксак давлат мукофотлари билан тақдирлаймиз.

Сизларнинг ҳар бирингиз ўз ғайрат-шижоатингиз, тафаккур ва тажрибангиз билан Янги Ўзбекистонимиз равнақи ва она халқимиз фаровонлиги учун беқиёс хизмат қилмоқдасиз.

Эл-юрт эътибори ва чексиз меҳрини қозонган ҳар қандай киши ўзини бахтиёр ҳис этишга ҳақлидир.

**Шу маънода, давлатнинг юксак мукофотларига сазовор бўлиш, бу аввало, халқнинг назарига тушиш, унинг дуосини олиш демакдир.**

Бугунги қувончли айёмда сизларга, азиз опа-сингилларим ва мунис қизларимга ана шу мукофотларни топшириш менга улкан мамнуният бағишлайди.

Муҳтарама опа-сингиллар!

Суюкли қизларим!

Барчангизни яна бир бор бугунги баҳор ва нафосат, гўзаллик ва латофат байрами билан самимий табриклайман.

Сизларга дунёдаги энг бебаҳо бойлик – оилавий бахт-саодат, тинчлик-хотиржамлик, фарзандлар ва набиралар камолини кўриб юриш қувончи ҳамиша ёр бўлишини тилайман.

Иқболингиз баланд, умрингиз узоқ, ҳаётингиз фаровон бўлсин!

Қалбингиз доимо баҳордек яшнаб турсин!

Ҳамиша соғ-омон бўлинглар!

# Нафосат олами вакилларига эҳтиром

**Вилоят ҳокимлиги томонидан 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан Тошкент туманидаги "Зуҳринисо" маросимлар мажмуасида тантанали байрам тадбири ташкил этилди.**

Шукуҳ





Байрам кечасига турли соҳаларда фаолият кўрсатиб келаётган ташаббускор ва фаол хотин-қизлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож аёллар, шунингдек, Мўйноқ туманида истиқомат қилувчи бир гуруҳ онахонлар таклиф этилди.



Тадбирда Тошкент вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Зойир Мирзаев мунис аёлларни, латофатли қизларимизни нафосат ва гўзаллик байрами билан табриклади.

Маросимда кеча иштирокчиларига,



кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, ёлғиз аёлларга, шунингдек, Мўйноқ туманидан таклиф этилган онахонларга эсдалик совғалари улашилди.

Шунингдек, ташаббускорлиги, интилувчанлиги билан бошқаларга ўрнак бўлиб келаётган бир гуруҳ фаол хотин-қизларга "Мўътабар аёл" кўкрак нишони топширилди.

Тадбирда элимиз ардоғидаги санъаткорлар ижросида янграган куй-қўшиқлар даврага ўзгача шукуҳ, опа-сингилларимизга байрамона кайфият улашди.



# СИЗ меҳр-оқибат, садоқат тимсолисиз

**8 март – Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан турли соҳаларда вилоятимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган опа-сингилларимиз билан суҳбатлашдик.**

## ПАРКЕНТНИНГ ГАВҲАРИ



Гавҳар Ризаевани вилоятда кўпчилик жуда яхши танийди. У Паркент туманидаги машҳур "Заркент Гавҳари" фермер хўжалиги раҳбари. Томирида шижоат, юзида латофат балқиган аёл 76 гектар майдонда мева-сабзавот етиштиради, хўжалигида 90 бош қўй-эчкилар парваришланмоқда. Унинг боғларида етиштирилаётган узумлар ўтган йили Россия, Қозоғистон ва Қирғизистон давлатларига 30 минг АҚШ долларилик экспорт қилинди. Деҳқончиликнинг ҳадисини олган Гавҳар опа сўнгги уч йилда ички бозор учун 165 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берди.

Эътиборли жиҳати, фермер даромадининг бир қисмини ўзи яшаётган маҳаллани ривожлантиришга, ҳудудни ободонлаштиришга ажратади. Маҳалладаги 50 нафар эҳтиёжманд, боқувчисини йўқотган оилаларга ҳомийлик қилади.

Гавҳар опа Тошкент вилояти Кенгаши депутати. Ўзи сайланган сайлов округида ёшлар ва хотин-қизларга оид турли масалалар юзасидан учрашув, давра суҳбати, семинарлар ташкил этади. Хусусан, партиянинг "Хизмат беминнат" лойиҳаси асосида энг фаол фан ўқитувчилари, тажрибали ҳунармандлар билан биргаликда 8 та бепул ўқув маркази ташкил этиб, атроф маҳаллалардаги уюшмаган, кам таъминланган ва ўзлаштириши паст бўлган 100 дан ортиқ ёшлар ва аёлларни касб-ҳунар ўрганишларига шароит яратди. Уйма-уй юриб, ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилалардаги 300 дан ортиқ ёшларнинг муаммоларини ўрганди, аксариятини ижобий ҳал этишга эришди.

## ИЛМ ЙЎЛЛАРИДА ИНТИЗОР...



– Янги ўқув йилидан бошлаб магистратурада ўқиётган қизларнинг контракт пуллари тўлиқ бюджетдан қоплаб берилиши ҳақидаги хабар, бакалавр босқичини якунлаётганлар учун зўр янгилик бўлди, – дейди Чирчиқ давлат педагогика институти тарих кафедраси 2-босқич таянч докторанти Интизор Мамажонова. – Ҳар йили нуфузли хорижий олийгоҳларга 50 нафар қизлар бакалавр ва 10 нафари магистратурага юборилиши эса зиёли аёлларимизнинг кўпайишига замин яратади. Ёш фарзанди бор талаба-қизларга масофавий ўқишга шароит яратилиши, докторантура йўналишида хотин-қизлар учун ҳар йили камида 300 тадан мақсадли квота ажратилиши – бундай имкониятлар мамлакатимиз тарихида бўлмаган.

Интизор 2020 йили Чирчиқ давлат педагогика институти тарих кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишлаш билан бирга, шу йўналиш бўйича таянч докторантурага ўқишга кирди. У олий ўқув юртида таълим олиш жараёнида устози – тарих фанлар доктори, профессор Хуршида Юнусова раҳбарлигида биринчи бўлиб Ўзбекистонда нотариат тарихини ўрганиш бўйича Америка Қўшма штатлари, Ҳиндистон, Россия Федерациясида ўтган илмий конференцияларда ўз мақолалари билан иштирок этди. Мустақиллик йиллари Ўзбекистонда нотариат соҳасида олиб борилган ислоҳотларни жаҳондаги нуфузли журналлар саҳифаларида ёритишга эришди.

Докторлик диссертациясида эса Ўзбекистонда янги нотариат тизими, замонавий нотариат концепцияси яратилганини тадқиқ этмоқда.

Интизор ўқиш ва ишдан ортиб спорт билан ҳам мунтазам шуғулланади. У "Taekwondo VTF" йўналиши бўйича қора белбоғ соҳибаси, республика миқёсидаги бир қатор мусобақалар иштирокчиси.



Ўтган йилнинг декабрь ойида Дубайда ўтказилган халқаро RewirEd саммитида Қибрай туманидаги 48-мактабнинг олий тоифали бошланғич таълим ўқитувчиси Улдана Хўжамиярова ҳам қатнашди. Ўттиз йиллик педагогик тажрибага эга опахон фаолияти давомида таълим жараёнига интерфаол методларни татбиқ этиб келмоқда.

## ҲАРФ ИЛА ДУНЁНИ ТАНИТГАН

– Сўнгги икки йил мен учун муваффақиятларга бой бўлди, – дейди Халқ таълими аълочиси У. Хўжамиярова. – "Устоз – 2020" миллий мукофотининг "Бошланғич таълим фидокор устози" номинацияси ғолиби сифатида халқаро саммитга йўлланмани қўлга киритдим. Дубайдаги саммитда ёшлар, малакалар ва касб келажаги, таълимдаги инновациялар ва таълимни молиялаштириш масалалари кўриб чиқилди. Саммит таълим соҳасидаги манфаатдор томонларни, жумладан, таълим соҳаси мутахассислари ва етакчилари, сиёсатчилар, ёшлар, хусусий сектор, халқаро ташкилотлар ва жамғармаларни амалий семинарлар ўтказиш учун бир жойга жамлади.

Таълим фидойисининг иш тажрибаси мамлакатимиз миқёсида кенг оммалаштирилган. Қолаверса, у ўқитувчиларнинг иш тажрибасини республикада оммалаштириш бўйича бир қанча ижодий ишларга тақриз ёзишда Республика таълим маркази билан ҳамкорлик қилади. Ҳафтанинг шанба куни эса туман бошланғич таълим ўқитувчиларига интерфаол методларга асосланган тренинг машғулотлар ўтади. Шунингдек, ўқувчиларнинг иқтидорига қараб, тўгаракларга жалб этишни юқори савияда ташкил этмоқда. Устознинг таълимга оид қатор мавзулардаги чиқишлари илмий-оммабоп журналларда чоп этилмоқда.

Улдана опанинг меҳнатлари муносиб тақдирланиб, "Аълочи педагог" сифатида ойлик маошига 100 фоизлик устама тўланади.

Улдана Хўжамиярованинг юзлаб шогирдлари жамиятда ўз ўрнини топган. Вилоятимизда малакали педагоглар кўплаб топилади. Улдана опа уларнинг энг сараларидан. Узоқ йиллар таълим пойдеворини бошланғич синфданоқ мустаҳкам қўйиб келаётган устозга "Ҳеч ҳам чарчаманг", деймиз.






Юртбошимиз хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш масалаларига бағишланган видеоселекторда "Аёллар ишлаган ва раҳбарлик қилган жойларда тартиб, адолат, ҳалоллик, маданият юқори бўлиши ҳеч кимга сир эмас", дея таъкидлади. Вилоятимизда раҳбарлик лавозимида фаолият юритаётган хотин-қизлар кўп. Улардан бири Нилуфар Ботировадир.

## НИЛУФАР КЎП, НЬЮТОНОВНА БИТТА!

Нилуфар Ньютоновна "Тошкент ҳудудий электр тармоқлари корхонаси" АЖ Бош директори лавозимига тайинланган кундан бошлаб, корхонани қарздорликдан олиб чиқиш чора-тадбирларини ишлаб чиқди.

– 1994 йили мактабни тамомлаб, тумандаги электр тармоқлари бўлимига ишга кирдим, – дейди Н. Ботирова. – Симёғоч устида дорбоздек ҳаракатланиш, хонадонлардаги электр ҳисоблагичларни текшириш босқичларидан ўтдим. Олий маълумотли бўлиш орзуим эди. Орадан ўн йил ўтиб, Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш институтининг сиртқи бўлимига ўқишга кирдим. Ундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Олий бизнес мактабини тугатдим. Олий маълумот билан иш тажрибаси уйғунлашмаса барчаси бекор. Аслида бизнинг соҳада ишлаш, раҳбарлик қилиш қийин. Электр ходимлари бир маротаба янглишади, деган гап тўғри. Биргина хато умр заволи бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам сабр, матонат, тўғри қарор шиоримизга айланган. Қишнинг изғирини, ёзнинг жазирамасида монтёр темир бетон устидаги ҳароратда гоҳ пишади, гоҳ музлайди. Аммо ишини якунламагунча ортига қайтмайди. Тошкент вилоятига ишга тайинланганимда анча-мунча муаммоларга дуч келдим. Корхонада қарздорлик мавжуд эди. Босқичма-босқич қийинчиликларни бартараф этдик. Албатта, осон бўлмади. Англадимки, бошлиқ ўзини камроқ ўйлаши керак экан. Агар жамоада маънавий ва моддий муҳит яхшиланмас экан, олдинга силжиш бўлмайди. Сўнгги йилларда электр энергиясига талаб ошди. Айни вақтда вилоятимиздаги симёғочларнинг 10 мингтаси эскирган. Иш бошлаганимда ҳар битта темир бетон устунни 1 миллион 300 минг сўмдан навбатда туриб сотиб олардик. Ҳисоблаб кўрсак, 30-40 йилда ҳам мақсадга эришиш мушкул. Оз фурсатда Қуйи Чирчиқ туманида ишлаб чиқариш корхонасини ишга тушириб, кунига 60 дона темир бетон устун тайёрлашга эришдик. Иккинчи заводимиз Оққўрғонда жойлашган бўлиб, кунига 48 та устун ишлаб чиқариш қувватига эга. Натижада 2020 йилда 6 мингта, 2021 йилда икки баробар кўп темир бетон устунлар ўрнатилди.

Шунингдек, ўтган йилги режадаги электр узатиш тармоқлари ҳамда трансформатор пунктлари мукаммал таъмирланди.

Нилуфар опа Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги муносабати билан "Дўстлик" ордени билан тақдирланди. Унинг айтишича, 2 минг 400 дан ортиқ ишчи-ходимларининг 300 нафари хотин-қизлар экан. Улар вилоятимиз аҳолиси ва улгуржи истеъмолчиларга электр энергияси етказиб бериб, хонадонларни чароғон қилаётганлари билан фахрланишади.

**Сиёсий жараёнларда фаол аёлларимиздан 6 нафари Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси депутати, 1 нафари сенатор, 160 нафари маҳаллий Кенгашлар депутати сифатида фаолият кўрсатмоқда.**

**Таълим соҳасида фаолият кўрсатаётган хотин-қизларнинг 21 нафари фан доктори, 47 нафари фалсафа доктори, 24 нафари профессор, 43 нафари доцент илмий унвонларига эга.**

**Вилоятимизда раҳбарлик лавозимида – 3 минг 865 нафар, тадбиркорлик соҳасида – 7 минг 446, маҳалла раиси лавозимида – 178, прокуратура соҳасида –14, суд идораларида – 51, ички ишлар тизимида – 126, тиббиёт соҳасида – 48 минг, қишлоқ хўжалиги соҳасида – 22 минг, давлат идораларининг турли йўналишларида – 27 минг, таълим соҳасида – 30 минг нафардан ортиқ хотин-қизлар фаолият юритмоқда.**

**Ўтган йили вилоятимизда 75 минг 290 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланиб, 13 минг 19 нафари касб-ҳунарга ўқитилди.**

**10 минг 763 нафар хотин-қизнинг тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида жами 264 млрд. 893 млн. сўм миқдорида кредитлар ажратилди.**

**Олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган 100 нафар ота-онасидан ёки уларнинг биридан айрилган ижтимоий ҳимояга муҳтож қизлар ва боқувчисидан айрилган ёлғиз аёлларга 707 млн. 370 минг сўм шартнома пуллари тўлаб берилди.**

## МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ

Президентимиз "Оқила аёллар" ҳаракатини ташкил қилишни таклиф этди. "Бу ҳаракат том маънода "маҳалланинг виждони"га айланиши керак. Чунки, маърифатли жамиятни маърифатли оналарсиз қуриб бўлмайди", деди давлатимиз раҳбари.

Чирчиқ шаҳридаги Ҳ. Мақсудов номли маҳаллада истиқомат қилувчи Халқ таълими аълочиси Мавлуда Усмонова ана шундай зиёли аёллардан. Узоқ йиллар таълим тизимида хизмат қилиб, кўплаб шогирдлар тайёрлади. Ўн беш йилдан буён маҳалланинг кўмакчисига айланган.

– Маҳалла қадриятлар бешигидир, – дейди М. Усмонова. – Унинг замирида болалар тарбияси, меҳр-оқибат ришталари, оилалар мустаҳкамлиги тушунчалари мужассам. 2018-2020 йилларда "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази ҳузуридаги "Яраштирув комиссияси" раиси сифатида фаолият юритдим. Юзлаб ажрашиш ёқасига келиб қолган оилаларни сақлаб қолдик. Кузатишларимдан шуни англадимки, оиладаги тарбияда гап кўп. Оила мустаҳкам бўлиши учун, аввало, бўлажак оналарни тўғри тарбиялашимиз керак. Бунда, албатта, ёши улуғ нуронийларимиз, маслаҳатгўй бувиларимиз кўмаги даркор.

Маҳалла раиси Б. Давронов опа ҳақида шундай дейди:

– Мавлуда опа қилган ишлари билан мақтанишни хушламайди. Аммо унинг яхши амаллари кўп. Опанинг ташаббуси билан маҳалладаги ўндан ортиқ оила сақлаб қолинди. 21 нафар ёш доимий иш билан таъминланди. 7 нафар хотин-қиз тадбиркорлик ўқув марказларида таҳсил олиб, ўз ишини йўлга қўйди. Боқувчисини йўқотган, кўмакка муҳтож 11 та оилага моддий ёрдам, 3 нафар болага ўз жамғармасидан ҳомийлик кўрсатди. Шу бўлса керакда фидойилик.

Мавлуда опа маҳалла, мактаб, ҳудуддаги турли корхона ва ташкилотларда ўтказиладиган "Оила-муқаддас", "Инсон ва оила давлат ва жамият ҳимоясида", "Миллий қадриятларни улуғлайлик", "Фарзандлар тарбиясида ота-она ҳамда катта авлод вакилларининг ўрни" каби тадбирларда доимо бош-қош.



Маҳалла фидойисининг оиласи ҳам бекаму кўст. Мавлуда опа 4 нафар фарзандни тарбиялаб, камолга етказди. Улардан бири – вилоят ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Зуҳра Мирғозиевадир.

**Саҳифа материалларини Нигора ЎРОЛОВА /Тошкент ҳақиқати/ тайёрлади**

# МУКОФОТ МУБОРАК!

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 5 мартдаги “8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан мукофотлаш тўғрисидаги” Фармонига мувофиқ, мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, хусусан, мўътабар аёл зотига ҳар томонлама эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, опа-сингилларимизнинг давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрни ва нуфузини ошириш, шунингдек, ўзининг самарали меҳнати, бой амалий тажрибаси билан юртимизда олиб борилаётган туб ислоҳотлар жараёнида фаол қатнашиб, Янги Ўзбекистонни барпо этиш, халқимиз фаровонлигини юксалтириш йўлида ташаббус ва ибрат кўрсатиб келаётган, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш, фарзандларимизни она Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ишларига катта ҳисса қўшаётган бир гуруҳ хотин-қизлар фахрий унвон, орден ва медаллар билан мукофотландилар.**

Улар орасида вилоятимиздан қуйидагилар бор:

**«Меҳнат шуҳрати» ордени билан:**

**Карабаева Олтиной Эрмухаммедовна** – «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг цех оператори

**«Дўстлик» ордени билан:**

**Усманова Наргиза Саидовна** – Тошкент туманидаги «Bahoriy gullar» масъулияти чекланган жамияти раҳбари

**II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан:**

**Халикова Дилфуза Анваровна** – Нурафшон шаҳридаги «Ширин меҳрим» оилавий болалар уйи раҳбари

**II даражали «Саломатлик» ордени билан:**

**Рахманкулова Наргиза Саттаровна** – Республика махсус 2-Зангиота шифохонасининг 2-реанимация бўлими катта ҳамшираси

**«Содиқ хизматлари учун» медали билан:**

**Турсунова Махмуда Ибрахимхаджаевна** – «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг «Ўзбекистон» локомотив депоси техниги

**«Шуҳрат» медали билан:**

**Аманова Махфурат Эшмурадовна** – Тошкент давлат аграр университетининг мева-сабзавотчилик ва узумчилик кафедраси профессори

**Масалимова Найлля Мансуровна** – Паркент туманидаги «Med Torg Invest» масъулияти чекланган жамияти раҳбари

**Олимова Рано Юлдашваевна** – «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг «Ёшлик-1» кони дирекция етакчи муҳандиси

**Хайитова Феруза Турдибаевна** – Қуйи Чирчиқ туманидаги «Quyi Chirchiq Agro Biznes» масъулияти чекланган жамияти раҳбари

* * *

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 5 мартдаги “Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ, мамлакатимизда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг орзу-интилишларини амалга ошириш, ўзининг иқтидори ва ибратли фаолияти билан ёшларга ўрнак бўлиб келаётган, турли соҳа ва тармоқларда қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқараётган, чуқур билим ва интеллектуал салоҳиятини намоён этиб, муҳим ғоя ва ташаббусларни илгари сураётган, ижтимоий ҳаётда фаоллик кўрсатаётган 28 нафар фаол қизлар Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирландилар.

Жумладан, вилоятимизнинг икки нафар иқтидорли қизи ҳам шу нуфузли мукофотга лойиқ кўрилди:

**Абдусаламова Кумушхон Шакир қизи** – Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2-босқич магистранти

**Сеит-Асан Фериде Эрнестовна** – Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг 1-босқич магистранти

# Инсонпарварлик ва ғамхўрлик учун раҳмат!



**85 ёшим арафасида, соғлиғимга, озодаликка, коронавирусга қарши тартиб-қоидаларга жиддий эътиборда бўлсам-да, Covid-19 билан касалланиш статистикаси камайиб бораётган бир пайтда тождор вирус саломатлигимга чанг солди...**

**Бизга ёзадилар**

«Тез ёрдам» кузатувида 2-сонли Зангиота кўп тармоқли юқумли касалликлар шифохонасига етиб боргунимча бошимдан минг фикру хаёл ўтди. Танам ҳарорати 37 даражадан тушмаётгани, тест натижаси мусбат чиққанини айтмаса, вирус аломатлари деярли йўқ, ўзимни жуда яхши ҳис қилаётгандим. МСКТ таҳлили ўпкамнинг 45-50 фоиз зарарланганини кўрсатганидан эса бехабар эдим.

Жонлантириш бўлимига ётқизганларида, яқинларим билан кўришиш, ҳатто телефонда гаплашиш имкони чегараланганида, вирус ёндош касалликларни қўзғатгани ва қондаги қанд миқдори ошиб бораётганини муолажалар давомида англаганимда хавотирим кучайди. Хайриятки, бу узоққа чўзилмади: тез фурсатда тиббиёт ходимларининг эътибори, меҳрибонлиги ва ширинсўзлигидан кўнглим таскин топди. Саломатлигим учун оқ халат кийган шифокор, ҳамширалар бирдек жон куйдиришаётганини, бу касалхонада беморларнинг соғайиши учун барча шароитлар яратилганини ҳис қилмасликнинг иложи йўқ эди.

8-блок, 3-жонлантириш бўлими, 940-хона. Реаниматолог-шифокор Жаҳонгир (фамилиясини сўраб олмаган эканман), навбатчи шифокорлар, қувноқ ва ғамхўр ҳамширалар ўша кунларда менинг қаҳрамонларимга, меҳрибонларимга айланишди.

5 кунда ҳолатим енгиллашди, ниҳоят касалхонанинг стационар бўлимига ўтказилдим. Озода ва шинам палата уч нафар беморга мўлжалланган, ҳар бир ётоққа кислород ўтказилган, хона ичида телефон, телевизор, ҳожатхона бор.

Очиғи, шифохонада яратилган қулайликлар, шароитлар, дори-дармон воситалари ва тиббиёт анжомларининг тўкислиги беморларни касалликни енгишга, саломатлик посбонларини эса ўз бурчларини шараф билан адо этишга руҳлантираётган бўлса, ажаб эмас.

Ҳар куни сатурация, ҳарорат, қон босимимиз, қондаги қанд кўрсаткичини бир неча марта ўлчашни малол олмайдиган, югуриб-елиб ҳали хапдори улашиб, ҳали осма укол қўйиб, орада кўнгилни ҳам кўтариб кетишдан чарчамайдиган ҳамшираларнинг чеҳраларини доим ниқобда эканликлари учун кўрмасам-да, ғамхўрликларини қалбан ҳис қилардим. Касалхонанинг мазали овқатларини меҳр билан улашадиган Нигора Юсупова таомни доим сиз учун алоҳида ва махсус тайёрлангандек тақдим қилади, илтифотдан иштаҳангиз ҳам очилади.

Фикримча, бу шифохонага ходимлар ҳар жиҳатдан сараланиб жамланган. Лекин мен ётган 4-Б бўлим 349-палата шифокори Шаҳноза Мирабзаловна – уларнинг ичида энг яхшиси. Айнан унинг ғамхўрлиги, парвариши, далдаси, ҳар кунги кўрсатмаларида мени алоҳида руҳлантиргани туфайли бу касалликни енгишим енгил кечганини қайта-қайта такрорлашдан чарчамайман. Шифохонанинг қулайликларидан яна бири – яқинларимнинг ҳар куни шифохонага қўнғироқ қилиб, даволовчи шифокоримдан муолажалар қандай кечаётгани ва кунлик аҳволим ҳақида маълумот олиш имкони мавжуд эканлиги бўлди.

Ўн беш кунлик муолажалардан кейин халоскорларим билан хайрлашдим. Бўлим мудири Аслан Оролов, даволовчи шифокорим Шаҳноза Абидова, қолаверса, шу масканнинг барча катта-ю кичик ходимларидан чексиз миннатдорман. Уларга эътибор, инсонпарварлик ва ғамхўрлик учун раҳмат деб қоламан.

**Нурхон АБДУШОҲИДОВА,**
*Тошкент шаҳри*

**Бугуннинг юмушлари**

# ҚАНОТ ЁЗАЁТГАН ЭЗГУ ТАШАББУС

**Ўтган ҳафтада бутун вилоятимиз бўйлаб "Яшил йиллик" эзгу ташаббуси доираси кўчат экиш, янги боғ-роғлар ташкил этиш бўйича оммавий сафарбарлик бошланди.**





Эрта тонгдан вилоят ҳокимлиги, ҳудуддаги барча ташкилот ва корхоналар, маҳаллалар, таълим муассасалари, маданият, маърифат масканлари, қолаверса, хонадонларда эзгу ният ва умидлар билан мевали ва манзари ниҳолларни катта уюшқоқлик билан экиш бошлаб юборилди.

Хусусан, Нурафшон шаҳри марказида Тошкент вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Зойир Мирзаев ҳудуд фаоллари, нуронийлар билан бирга бу каби хайрли ишларнинг бардавом бўлишини тилаб, ният қилишди. Қуръон тиловат қилиниб, юртимизга равнақ, халқимизга ободлик ва фаровонлик, тинчлик-хотиржамлик тилаб, эзгу дуолар ўқилди. Жонлиқ сўйилиб, қурбонлик қилинди.

Шундан сўнг барча биргаликда йўл бўйларига манзарали дарахт кўчатларини экди.

Албатта, яхши ният, юксак уюшқоқликда ташкил этилган ҳар бир иш ўз натижасини беради. Зеро, ўзимиз яшаб турган жойни обод қилиш ва уни келгуси авлод учун ҳам асраб-авайлаш, барчамиз учун бирдек эзгу иш.

Бу каби тадбирлар барча ҳудудларда давом этмоқда.

Қадрли вилоятдошлар!

Эзгуликка йўғрилган бу хайрли ташаббус ва ҳаракатлардан четда турмайлик, фаоллик ва шахсий намуна кўрсатайлик!

Жаннатмонанд юртимизнинг ҳар бир ҳудуди янада обод ва файзли бўлишига, она табиатимиз мусаффо, келаси авлодларимиз соғлом, хонадонларимиз кўркам ва саришта, турмушимиз қут-баракали бўлишига ўз ҳиссамизни қўшайлик!

# Вилоят бўйлаб






Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташкил этилганининг 26 йиллиги муносабати билан **ЧИНОЗ тумани** Фавқулодда вазиятлар бўлимида хизмат қилаётган 65 нафар ходим тақдирланди. Тадбирда туман ҳокими Б. Алимбеков ва сектор раҳбарлари қатнашди.



**ТОШКЕНТ туманидаги** 4-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотида “Мактабгача таълим тизимида таълим-тарбия сифатини оширишда инновация ва “Илк қадам” давлат ўқув дастури асосида “Қўлингда имкон” деб номланган очиқ эшиклар куни бўлиб ўтди. Унда тумандаги мактабгача таълим ташкилотлари раҳбар ва педагог ходимлари иштирок этишди.



**ЯНГИЙЎЛ шаҳридаги** "Файзобод" маҳалласи ҳудудидаги "Жун" канали устидан ўтувчи кўприк реконструкция қилиниб, капитал таъмирланмоқда. Қурилиш жараёнини кўздан кечирган шаҳар ҳокими Ф. Мирзаев мутасаддиларга тавсия ва кўрсатмалар берди.



**БЎСТОНЛИҚ туманидаги** "Қўшқўрғон" ва "Хўжаобод" маҳалла фуқаролар йиғинларининг биноси қайта реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди.

Очилиш маросимида туман ҳокими Ж. Аҳмедов, маҳалла нуронийлари ва фаоллари иштирок этишди.

**Кўргазма**

# ФАСЛИ НАВБАҲОР ЖОЗИБАСИ

**Тошкент Фотосуратлар уйида 8 март – Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмасининг фотошўъбаси аъзолари ва ҳаваскор фотографларнинг анъанавий кўргазмаси очилди.**

Экспозициядан 160 га яқин сараланган фотосуратлар ўрин олган. Уларнинг асосий қисмини шу соҳада қизиқиш билан изланаётган ҳаваскор фотографларнинг ишлари ташкил этади.

Жумладан, суратларга юртимиз баҳорининг бетакрор гўзаллиги, ўзбек хотин-қизларининг мафтункор чеҳралари, сочларига гулчамбар таққан қизалоқларнинг табассуми, аёл ва табиат уйғунлиги муҳрланган.

Суратларни томоша қилар экансиз, беихтиёр гўзаллик, нафосат ва нафислик оламига кириб қолгандек бўласиз.

Кўргазманинг Тошкент вилоятига бағишланган павильонида “Паркентлик хола”, “Ангрен тепалигида. Булоқ олдида”, “Дам олиш кунида Сўқоқда”, “Чорвоқ атрофида баҳор шамоли”, “Она: Тошкент шаҳри атрофида” каби фотосуратларга кенг ўрин берилган.

Кўргазма намойиши давом этмоқда.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

**Эълон**

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани 316-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2004 йилда Инаятова (Хасанова) Умида Илхамовна номига берилган № 0979192 (рўйхат рақами 158) рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

# БУЛБУЛ КУЙИН ШЕЪРГА СОЛАМАН...

**Ҳар гал, севимли шоиримиз Абдулла Ориповнинг «Сен баҳорни соғинмадингми» шеърига басталанган қўшиқни тинглаганимда, кўз ўнгимдан болаликда мени ҳайратга солган қир-адирлардаги лолазорлар гулхани, кўклам қуёшидан яшнаган боғу роғлар чамани келаверади. Хассос шоирнинг ёниқ сатрлари эса ташна дилларни уйғотувчи боғларга чорлаб, акс садо беради…**

**Эслаб...**

Шу кунларда юртимизда Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов таваллудининг 81 йиллиги муносабати билан адабиёт-шеърият кечалари ўтказилмоқда. Шундай шукуҳли онларда кўнгилда гўзал хотиралар уйғониши табиий...

1984 йил... Ҳозирги мустақиллик майдонида жойлашган миллий кутубхонада шоир Абдулла Орипов ўзи таҳсил олган Тошкент давлат университетининг журналистика факультети талабалари билан ўтказган ижодий учрашувда иштирок этиб, шеърият гўзалликларидан баҳраманд бўлганим ҳали-ҳануз ёдимда. Ўшанда дилларда ҳайрат уйғотувчи шеърларни муаллифнинг ўзидан эшитиш учун кутубхона зали талабалар билан тўлган эди. Гўёки, ўша йиллар мухлислар эл ичра машҳур бўлиб кетган «Биринчи муҳаббатим» шеърининг давомини тинглаш учун келгандай…

Ва ниҳоят, ўқувчилар кутган ҳаяжонли дақиқалар келди. Учрашув бошловчиси, адабиётшунос олим Озод Шарафуддинов шоирнинг ижоди ҳақида тўлқинланиб сўзлаб, сўнг минбарга Абдулла Ориповни таклиф этди. Шоир бутун вужуди билан шеър ўқий бошлади. У «Онажон», «Мен нечун севаман Ўзбекистонни»,



«Юртим шамоли» каби шеърларини шундай берилиб ўқирдики, гўё қаршисидаги мухлисларини унутгандай эди…

Учрашувнинг айни авжида кутилмаганда талабалардан бири шоирга савол берди:

– Айтингчи, нега рус тилида ижодингиз кам?

Шунда залга оний жимлик чўкди. Ҳамманинг нигоҳи шоирга қадалган. У ўқувчиларга юзланиб, босиқлик билан: Мен аввало буюклар ўтган юртнинг бир ўзбек фарзандиман, ёзганларим ҳаммаси сизлар учун, кимки ижодим билан қизиқса бошқа тилга ўгириб олар, – деди ва «Она тилимга» шеърини жавоб тариқасида ўқиди:

*Она тилим, сен борсан, шаксиз,*
*Булбул куйин шеърга соламан.*
*Сен йўқолган кунинг, шубҳасиз,*
*Мен ҳам тўти бўлиб қоламан.*

Шеърнинг илоҳий кучи, қолаверса, мазмунидан қониқиш олган мухлислар шоирни олқишу гулдасталарга кўмиб ташлашди...

Бу унутилмас лаҳзалар Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов айтгандай, «тун қаро бўлган сайин юлдузнинг яркираб ёнишидай таассурот қолдирган эди менда»...

**Султонбой ДЕҲҚОНОВ,**
**Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси**

# Ғунча лаб очди, баҳорим келди деб...



Дилором ЭРГАШЕВА,
"Дўстлик" ордени соҳибаси

*Ғунча лаб очди, баҳорим келди деб,*
*Андалиб куйлар, наҳорим келди деб.*

*Не наволар айласун кўнглим менинг,*
*Наврўзим – ҳожатбарорим келди деб.*

*Майсалар ҳам бош кўтармиш бир йўла:*
*«Ҳар кунингизга ярорим келди», – деб.*

*Боғламиш деҳқон белини тонг била:*
*«Ғайратим, аҳду қарорим келди», – деб.*

*Кўнглими ҳар дамда ҳушёр айладим:*
*«Чун баҳор алдамчи ёрим келди», – деб.*

*Кел, Дилоромни, баҳор, бағрингга ол,*
*Қўй, этак силкитма: «Хорим келди», – деб.*

* * *

*Кетма сенга садқа кўзимдан чиқиб,*
*Кетди жон сен сори ўзимдан чиқиб.*

*Неча йилларким изингдан чиқмадим,*
*Хорлар гул бўлди изимдан чиқиб.*

*Дема дердим, дарди ишқим, эй забон,*
*Қилди ифшо сирни сўзимдан чиқиб.*

*Бўлди қонрангги юзим қон йиғлайиб,*
*Отилур гулшанга юзимдан чиқиб.*

*Аллоҳ-Аллоҳ, не исм, жонни ёқар,*
*Сув ичарман кетса бўғзимдан чиқиб.*

*Қайда роҳат бизга, эй Дил, кеча – Ой*
*Ё Қуёшдек келса рўзимдан чиқиб.*

## Қоши ёсинму дейин

**(Навоий ғазали билан мухаммас)**

*Ишқи хосинму дейин, дарддин асосинму дейин,*
*Дил яросинму дейин, дилни яросинму дейин.*
*Ё ҳаёсинму дейин, бизни аёсинму дейин,*
*Қоши ёсинму дейин, кўзи қаросинму дейин,*
*Кўнглума ҳар бирининг дарду балосинму дейин?!*

*Сўзи баҳринму дейин, толеи таҳринму дейин,*
*Хаста жоним сиғмаган ё кўйу шаҳринму дейин.*
*Турфа жабру ишваси жонимни маҳринму дейин,*
*Кўзи қаҳринму дейин, киприги заҳринму дейин,*
*Бу кудурат ора рухсори сафосинму дейин?!*

*Сочи зардинму дейин, бармоғи пардинму дейин,*
*Иккиси бир бўлса жонимға хатардинму дейин.*
*Ҳоли абгорим хабардин бехабардинму дейин,*
*Ишқи дардинму дейин, ҳажри набардинму дейин,*
*Бу қатиғ дардлар аро васли давосинму дейин?!*

*Дилда ганжинму дейин, ҳар лаҳза ҳаржинму дейин,*
*Лутфиға ҳеч тўймаган тилни тиланжинму дейин.*
*Гоҳи жоним ичра-ю, гоҳи ябанжинму дейин,*
*Чарх ранжинму дейин, даҳр шиканжинму дейин,*
*Жонима ҳар бирининг жавру жафосинму дейин?!*

*Кокилин ёйганда дилафрўзининг васфини эт,*
*Ғамзаи чоҳини айт, ол юзининг васфини эт.*
*Эй Дилором, иста тун-кундуз унинг васфини эт,*
*Эй Навоий, дема, қошу кўзининг васфини эт,*
*Қоши ёсинму дейин, кўзи қаросинму дейин?*

## Ҳолимни кўр

*Кел яқин, сендан йироқ ҳолимни кўр,*
*Қилмади нелар фироқ ҳолимни, кўр.*

*Телбаман, беҳуду бекас, хор. Қайс*
*Ҳоли мендан яхшироқ, ҳолимни кўр.*

*Бор вужудимдир қулоқ, отимни айт,*
*Икки кўз – икки булоқ, ҳолимни кўр.*

*Холи топмамдур сени ағёрдан,*
*Топ мени, бир кел бироқ,*
*ҳолимни кўр.*

*Ишқи йўқлар бўлди обод, шодмон,*
*Бузди бизни иштиёқ, ҳолимни кўр.*

*Бошим орзуси – товонингдин*
*тавоф,*
*Нотавон ҳолимга боқ, ҳолимни кўр.*

*«Ишқ аро, – дерлар агар, –*
*Дил эътибор»,*
*Ишқу дил бошдин-оёқ,*
*ҳолимни кўр.*

## Интилиш

**Сўнгги йилларда мамлакатимизда аёллар спортига бўлган эътибор бир неча баробарга ошди. Ўз навбатида, уларнинг халқаро майдонларда эришган ютуқлари, кўрсатаётган натижалари таҳсинга сазовор. Бу борада вилоятимиз спортчилари ҳам олдинги сафларда экани қувонарли.**

**Қуйи чирчиқлик Камила Гусамова шундай спортчилардан. У 9 ёшидан тумандаги 45-STEM мактабида очилган волейбол тўгарагига қатнай бошлади. Камила бу ерда мураббийи Шуҳрат Раҳимовдан таълим олди.**

### “МАҚСАДИМ – ОЛИМПИАДА!”

– Камила иқтидори ва иштиёқи билан бошқалардан ажралиб турарди, – дейди Ш. Раҳимов. – Унинг ҳимояда ишончли ҳаракат қилиши жамоадошларига ҳам куч берарди. Шогирдим доим ўз устида ишлашдан тўхтамасди.

Камила мураббийи таклифи билан Тошкент вилояти ИБЎСМдаги волейбол тўгарагига ҳам қатнаша бошлайди ва дарров мураббийлар эътиборини тортади. Қисқа фурсат ичида уни вилоят терма жамоаси таркибига олишади.

Камила вилоят ёшлар терма жамоаси билан икки бора Ўзбекистон кубогини, уч маротаба мамлакат чемпионлигини қўлга киритади. Шунингдек, икки бора чемпионатнинг кумуш медалига сазовор бўлади. Волейбол “маликаси” барча иштирок этган турнирларида “Энг яхши ҳимоячи” номинациясига лойиқ кўрилади.

Ўз устида ишлаш, тинимсиз машғулотлар бесамар кетмади. Камилани 2020 йилда мамлакат ёшлар терма жамоаси таркибига чақиришди.

– Ўша вақтдаги қувончимни сўз билан таърифлаб беролмайман, – дейди Камила Гусамова. – Доим мамлакатимиз байроғи остида халқаро мусобақаларда иштирок этишни орзу қилардим. Бунга эришганимдан жуда ҳам бахтиёрман. Мақсадим – терма жамоа таркибида Олимпиадада иштирок этиш.

Олдинда спортчини қатор мусобақалар кутиб турибди. Хусусан, жорий йилнинг июнь ойида терма жамоамиз Тошкент шаҳри мезбонлик қиладиган волейбол бўйича 17 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатида иштирок этади. Камила ва унинг жамоадошлари мазкур турнирга пухта тайёргарлик кўришмоқда.

Ёш волейболчиларимизга қитъа чемпионатида омад тилаймиз ва фурсатдан фойдаланиб, барча спортчи опа-сингилларимизни байрам билан қутлаймиз.

**Суҳробжон САДИРОВ**
**/Тошкент ҳақиқати/**

## САККИЗИНЧИ МАРТ гурунглари

... Ўтган асрнинг етмишинчи йиллари охирига бориб, “Тошкент ҳақиқати” газетаси таҳририяти том маънода ёш, салоҳиятли кадрларнинг энг йирик тажриба ва маҳорат мактабига айланиб қолган эди. Журналистикага қадам қўйган ниҳоятда умидли йигит-қизларнинг аксарият кўпчилиги айнан шу таҳририятда қалам чархлаганлар, десак хато бўлмас.

Ўша йиллар бу ерда катта устозлар дуосини олиб, газетачилик сир-асрорларини эгаллаганларнинг келажаги жуда ҳавас қиларли бўлди. Ўша кезлар сафга қўшилган Абдукарим Раҳимбердиев, Фатҳиддин Муҳиддинов, Миракмал Миралимов, Эркин Эрназаров, Абдураҳим Абдуллаев, Абдунаби Ҳайдаров, Аҳмад Бобобеков, Аброр Ғуломов каби ўнлаб йигитлар қатори “ҳақиқатчи” қизлар ҳам бор эдики, улар билан ишлаш қанчалар мароқли бўлган бўлса, бугун муҳтарама опа-сингилларимизнинг дилбар ва фусункор байрамларида ана шу олис-яқин хотираларни ёдга олиш худди шундай завқлидир.

### "Носирова Адолатни мумкинми?"

“Тошкент ҳақиқати”нинг узоқ йиллик муштарийлари бу даргоҳда ўша кезларда Адолат Носирова деган бир жасоратли мухбир қиз ишлаб кетганини яхши биладилар.

Адолат гапга полвон аёл. Гап келганида отасини ҳам аямайдиганлардан. Ишига пишиқ. Ташкилотчиликда устози Зарифжон Муҳамmаджоновдан фотиҳа олган.

Кекса рус аёлининг ёлғизгина набирасини ҳарбий хизматга чақиришади. Шу йигитдан бўлак қаровчиси бўлмаган кекса бувининг аҳволи нима бўлади?

Адолат Носирова елиб-югуриб, Бражников деган йигитни хизматдан олиб қолди. Қилмаган иши, кирмаган эшиги қолмади, алал-оқибат Бражников тушмагурнинг иши ижобий ҳал бўлди.

У, масалан, эрталабки рейс билан Москвага учиб, тушдан кейин таҳририятга қайтиб, навбатдаги сонга материалларини бамайлихотир тайёрлаб ўтирган пайтларга ҳам гувоҳ бўлганмиз. "Ҳозир Москвага бориб келаяпман", дерди қоғоздан кўз узмай, худди йўлнинг нариги бетидаги ЦУМни айланиб келаяпман, дегандай...

Унинг қалами ўткир, мақолаларида, репортажларида, албатта, янгича ёндашув бўларди.

Тошкент телеминораси қурилишидан ёзган туркум репортажлари ҳали-ҳануз кўпчиликнинг ёдида. Минора устунларининг ҳар бирининг кўтарилиши ҳақида алоҳида-алоҳида материаллар тайёрлади. Эътиборлиси шундаки, репортажда устун кўтарилаверади, бу вақт оралиғида қурувчилар томонидан амалга оширилган кенг кўламли ишлар усталик билан баён қилинади.

Ўша кезлар бош муҳарриримиз Аҳмад Исмоиловичнинг тез-тез бизнинг бўлимга янги ходимларни тавсия этишини у кўпам ёқтирмасди. Бир сафар эътирозини рўйирост айтди:

– Бош муҳаррир кимни тавсия қилиб, тарбияланг, деса рози бўлаверасиз. Дунёқарашига, хатига, саводига қарамайсиз, – деди.

– Тўғри, мана биттаси сизнинг ўзингиз, – дедим бир оз асабийлашиб.

Бунга жавобан Адолат кулиб қўя қолди.

Бўлимда Адолатнинг ўз ўрни бор эди. У кейинчалик Хотин-қизлар кўмитасида ишлади. Тошкент шаҳридаги Акмал Икромов (ҳозирги Учтепа) тумани ҳокимининг ўринбосари бўлди. Ҳозир йирик тадбиркор. Мустақилликдан кейин мамлакатимизда биринчилардан бўлиб хусусий мактабгача таълим ташкилотига асос солди. Чилонзорнинг “Оқтепа” даҳасида, яна Ўриксорда иккита хусусий болалар боғчаси халқимизга хизмат қилмоқда.

Таҳририятдаги ижодий муҳитнинг ўта самимий эканлигига далил сифатида Адолат Носирова билан боғлиқ яна бир воқеани эслаш ўринли.

Ҳозир “Ҳидоят” журналида бош муҳаррир лавозимида ишлаётган ажойиб шоир, етук журналист Абдул Жалил Хўжамов ҳам ўз қаламини бизнинг ахборот бўлимида сайқаллаштирган, бир-биридан латофатли мақолалар ёзган.

Кўпчилик қатори унга ҳам Адолатнинг эркаликлари “хуш ёқарди”. Хотин-қизлар байрами муносабати билан таҳририятда ўтказилган тадбирда у опасига бағишланган шеърини ўқиб берганди. Ашъор тахминан шундай эди:

*Телефон жиринглайди,*
*юрагимда ғаш,*
*Гўшакда яна ўша нотаниш овоз:*
*– Носирова Адолатни*
*мумкинми?*

Кейинги сатрларда нотаниш кимса билан Адолатнинг хушчақчақ суҳбати ва кулгуси, шу жараёндаги шоирнинг изтироблари нозик дид билан таърифланади ва шеър тахминан шундай якунланади:

*Телефон жиринглайди,*
*юрагимда ғаш,*
*Эшитилар яна нотаниш овоз:*
*– Носирова Адолатни*
*мумкинми?*
*– Йўқ,*
*Носирова Адолатни*
*мумкин эмас.*

Шу битикларни ёзаётганда шеърни тўлиқ келтириш мақсадида шоирга қўнғироқ қилдим. Афсуски, шеър сақланмаган экан...

Газета ҳар куни чоп этилар, одатда, деярли ҳар бир сонга марказда бўладиган олиймақом даражадаги учрашув ва қабуллар тафсилотига оид узундан-узун ахборотлар, Иттифоқ раҳбарларининг нутқ ва мактублари тун ярмидан оғганда расмий алоқа каналлари орқали махсус грифлар билан юборилар эди. Буларнинг ҳаммаси бир бўлиб, газета чоп этилишини тонготарга қадар чўзар, табиийки, кунда-кунора такрорланиб турадиган уйқусиз кечалардаги бунақа бошоғриқ иш ҳар қандай мустаҳкам асаб эгасига ҳам барибир малол келадиган пайтлар бўларди.

Бир сафар ана шундай тонготар паллагача чўзилаётган саҳифалаш жараёнида Кумуш матннинг аслиятига қараб турди, мен эса корректура таомилига кўра, саҳифани овоз чиқариб ўқидим.

Матнда шундай сўзлар бор эди: “Ассалому алайкум, жаноби олийлари!”.

Кумуш кутилмаганда қўлидаги қоғозни столга қўйиб, астагина ўрнидан туриб, тавозе билан менинг айни талаффузимда алик олди: “Ваалайкум ассалом!”

Тавозега уйғунлашган киноянинг классик кўринишида олинган бу аликдан бўлимдагиларнинг барчаси қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборишди. Ана шундай самимий ҳазиллар ҳам иш жараёнига ёрдам берар, толиққан асаблар ёйилар, бу эса меҳнат унумдорлиги ва сифатига ўз таъсирини ўтказарди.

### Кумуш... марғилонлик эмас, Тошкентнинг қизи

Ўша кезлар таҳририятдаги устозлар “Шу қизнинг келажаги бор”, дейишарди ҳамиша Кумуш Эгамбердиевани мақтаб. Устозларнинг гапларига фаришталар омин, деган бўлса ажаб эмас.

1981 йилда ўрта мактабни битириб, “Тошкент ҳақиқати” газетаси таҳририятига ишга келган қизча тез орада кўпчиликнинг эътиборига тушди. Келишган, гап-сўзлари маънили, ҳозиржавоб, ҳазилкаш. Кумуш, деб мурожаат қилинса, Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романидаги қаҳрамонга ишора қилибми, “Мен ўша”, дерди. Латофатда Марғилоннинг Кумушидан қолишмайдиган Тошкентнинг қизи эди. Илтифот қилган ҳамкасб йигитларга беparволиги ҳам унинг фазилатларига фазилат бўлиб қўшиларди...

Ёш ходим бор эътиборини ўз ишига қаратарди. Бўлимда ишлаган устозлари Солиҳа Каримова, Зарифа Эшонхонова, Эътибор Мамажонова, Фарида Байкова каби опалардан касб сир-асрорларини қунт билан ўрганди. Мактабда яхши ўқиганлиги боис, матнлардаги хато ва камчиликларни жуда тез илғаб олар, бамаслаҳат тузатишлар қиларди.

Таҳририятда иш қизигандан қизиб бораверарди. Шундай кезларда биз, ёш ходимлар матн ўқишга ёрдамлашиб юборардик. Саҳифадаги матнни аслият билан солиштириб ўқиш учун икки киши талаб қилинарди.

Кумуш Эгамбердиева 40 йилдирки, “Тошкент ҳақиқати” газетаси таҳририятида ишлаб келмоқда. Бу йиллар давомида унинг меҳнати муносиб тақдирланиб, давлат мукофотларига сазовор бўлди. Гарчи, олий маълумотни институтда олган бўлсада, бу даргоҳ унга академия вазифасини ўтади. Ҳозир таҳририятда раҳбарлик лавозимида ишласада, ижодий ходимлар: “Ёзганларимни Кумуш опа ўқиб берсинлар”, дейишади. Чунки, ундан хато ўтмайди: шоир ёзганидек, “Неки хато биздан ўтар, сизда хато йўқ...”

Қирқ йиллик тажриба, ўзига ишонч. Лекин, Кумуш учун буларнинг барчаси камлик қилади, чамаси тинимсиз ўқийди, изланади. Турли номдаги луғатлар, адабиётлар ҳамиша унинг иш столи устида туради. Иш жараёнида бирорта шубҳа туғилдими, китоб варақлайди, луғатларни очиб кўради. Ҳар бир сўзни, иборани ўз ўрнида ишлатади. Ҳозир ҳам аввалгидек, матнни Кумуш ўқиса, ҳамкасбларининг кўнгли тўқ.

Кумуш Эгамбердиева ишда рисоладагидек ходим бўлиши билан бир қаторда, намунали оила бекаси сифатида ҳам бошқаларга ўрнак.

**Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ,**
**журналист**

TOSHKENT HAQIQATI
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Muassis:
TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI



“Toshkent haqiqati” va “Tashkentskaya pravda” gazetalari tahrir hay’ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay’ati raisi)
Ummat MIRZAQULOV
Hotamjon SAYDAHMEDOV
G‘afurjon MUHAMEDOV
Mahmud TOIR
Uskenboy ATEMOV
Salom SAMADOV
Ozoda PARPIBOYEVA
Abdulla XURSANOV
Mahmudjon BOLTABOYEV
Ra’no TURDIBOYEVA
Sergey MUTIN
Zarifa ERALIYEVA
Azamat KAMOLOV

Bosh muharrir:
G‘ayrat SHERALIYEV

Qabulxona:
(71) 233-64-95
Bosh muharrir o'rinbosari:
(71) 233-70-10
Mas’ul kotib:
(71) 233-90-82
Bo‘lim muharrirlari:
(71) 233-38-23, (71) 233-48-08
E'lonlar va hisob-kitob bo‘limi:
(71) 233-54-10
e-mail: toshkenthaqiqati@umail.uz

Navbatchi muharrir:
Kumush EGAMBERDIYEVA
Mas’ul kotib:
Alloma AZIZOVA
Navbatchi:
Javlon HALILOV

Bosishga topshirish vaqti – 21.00.
Bosishga topshirildi – 23.00
Nashr ko‘rsatkichi – 205.
Buyurtma G-335.
4 231 nusxada chop etildi.
Hajmi – 2 taboq. Ofset usulida bosildi. Qog‘oz bichimi A–2.
Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida 2011-yil 12-yanvarda 03-001 raqami bilan ro‘yxatga olingan.

Manzilimiz:
111500, Nurafshon shahri, Toshkent yo‘li ko‘chasi, 90.
Toshkent shahridagi ofisimiz: 100000, Matbuotchilar ko‘chasi, 32.
ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo‘jayev tomonidan sahifalandi.

Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.
Korxona manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

1 2 3 4 5 6